

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ОНЛАЙН КУРСЛАРДАН Фойдаланиш

Хикматов Н.Н.

ТДШУ, катта ўқитувчи, Ташқи иқтисодий фаолият кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13898236>

Аннотация. Мақолада онлайн курслар ва улардан фойдаланиш афзалликлари кўрсатиб берилган. Шу билан бир қаторда онлайн курсларнинг таълим жараёнида фойдаланиш методикаси кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: онлайн, курс, Интернет, рақамлаштириш, тизим, электрон таълим.

Аннотация. В статье описаны онлайн-курсы и преимущества их использования. Кроме того, показана методика использования онлайн-курсов в образовательном процессе.

Ключевые слова: онлайн, курс, Интернет, оцифровка, система, электронное обучение.

Abstract. The article describes online courses and the advantages of their use. In addition, the methodology for using online courses in the educational process is shown.

Keywords: online, course, Internet, digitalization, system, e-learning.

Бугунги кунда бизнинг таълим тизимимиз сезиларли ўзгаришларга дуч келмоқда. Нафақат бизни, балки бутун дунёда таълим тизимида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу ўзгаришлар таълим тизимида рақамли ахборот технологияларини кириб келиши билан боғлиқ.

Таълим тизимини рақамлаштириш бу ҳозирги кунда асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бизнинг олий таълим тизимимиз ҳам шу йўлдан бормоқда. Таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш, қуйидаги қулайликларни беради:

Таълим учун харажатларни камайтириш. Бунинг учун онлайн курслар, масофавий ёки аралаш таълим ёрдамида амалга ошириш мумкин. Талабалар йўлга кетадиган вақтини ўқиш учун сарфлаш имкониятига эга бўладилар.

Вақтни тежалиши. Бунинг учун таълимни аралаш ёки масофавий шаклларга ўтиш керак.

Дарс жараёнига нафақат ўзимизнинг, балки чет эл ўқитувчиларини жалб қилиш имконияти ошади.

Турли адабиётларни, электрон ресурсларни онлайн ўқиш ёки кўчириб олиш имконияти мавжуд бўлади.

Ҳужжатларни электрон кўринишда алмашиш мумкин. Бу эса ўз навбатида қоғоз билан ишлашни камайтириш ва атроф – муҳитни асрашга ҳам ёрдам беради.

Бу фақатгина қулайликларнинг бир қисми, рақамли технологиялар бир сўз билан айтганда бизга, олдин биз таъсавур қила олмаган, яқин келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлардан, ҳозирдан фойдаланиш имконини беради.

Бу мақолада биз таълим жараёнида онлайн курслар ёрдамида дарсларни ташкил қилиш методикасини кўриб чиқмоқчимиз. Биринчи ўринда онлайн курс тушунчасига таърифларни кўриб чиқсак.

Онлайн курслар – бу таълим олиш учун турли интернет сайтлари, махсус платформалар ёрдамида амалга ошириладиган масофавий таълимнинг бир қисми.

Онлайн курс замонавий педагогикада “электрон таълимнинг бир тури, яъни педагогик тамойиллар асосида қурилган, замонавий ахборот технологияларининг техник

воситалари асосида амалга ошириладиган ва мантиқий таълимни ифодаловчи ташкиллаштирилган, мақсадли таълим жараёни” сифатида қаралади. Ўқитиш ва назорат қилишнинг ягона тизимлаштирилган электрон воситалари тўплами билан услубий жиҳатдан таъминланган таркибий жиҳатдан тўлиқ ўқув бирлиги” [1].

Онлайн курсларни ташкил қилиш учун биз турли таълим платформалари ёки махсус веб – саҳифаларни яратиш учун мўлжалланган технологиялардан фойдаланишимиз мумкин.

Онлайн курсларни биз уларни мақсадига қараб бир нечта турга ажратишимиз мумкин:

Тезкор онлайн курслар. Бу курслар бир неча кундан бир ойгача бўлиши мумкин. Бундай курслардан қўшимча таълим ёки малака ошириш учун фойдаланишимиз мумкин.

Бир неча ойдан бошлаб олти ой ёки бир йилгача бўлган курслар. Бундай курслар бирон бир қўшимча касб эгаллаш ёки тил ўрганиш учун қўллай ҳисобланади.

Доимо ўқиш имконияти мавжуд бўлган курслар. Бундай курслар доими янгилаб туради ва бу курслардан касби доирасида янгиликларни ўрганиб туриши керак бўлган таълим олувчилар фойдаланиши мумкин. Бундай курсларда вақт чегараланмайди, уларга обуна бўлиб ўқиш имконияти мавжуд бўлади.

Онлайн курсларнинг имкониятлари жуда кўп. Асосий имкониятларидан бири, бу биз ихтиёрий ёки ўзимиз хоҳлаган, бизга қулай бўлган шароитда ўқиш имконияти. Онлайн курслардан фойдаланиш учун бизга фақат Интернетга чиқиш имконияти бўлган компьютер ёки бошқа қурилманинг бўлиши етарли ҳисобланади.

Бундан ташқри онлайн курсларда таълим олганда вақт чегараланмаган, бундай курслар ҳафтасига узлуксиз ишлайди ва биз ўзимизга қулай вақтда кириб ўқиш имкониятига эга бўламиз. Айниқса, онлайн курслардан сиртқи таълимни масофавий кўринишда ташкил қилиш ёки ишдан ажралмаган ҳолда билим олиш учун қўллаш мумкин.

Шуни таъкидлаш мумкин, баъзан онлайн курслардан аудиториядаги дарсларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун таълим берувчи ўргатаётган мавзуси бўйича бирон бир онлайн курсни ўзлаштиришни вазифа қилиб бериши ва таълим олувчи бу курсни онлайн ўзлаштириб келиши керак бўлади.

Онлайн курсларнинг қулай томонларидан бири бу уни модулларга бўлингандир. Ҳар бир модул охирида назорат ишлари мавжуд бўлади. Бу эса курсни қанчалик ўзлаштирилаётганини назорат қилиш имкониятини беради.

Онлайн курслардан фойдаланиш жараёнида биз нафақат ижобий томонлари, балки унинг муаммолари ва уларни ечимини ҳам кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилдик.

Асосий камчилик бу онлайн курсларда бу мавзунини ўзлаштириш жараёнида тескари алоқани йўқлиги. Яъни, курсни ўрганиш жараёнида қийинчилик вужудга келса ёки саволлар пайдо бўлса уларга жавоб топиш муаммо бўлади.

Лекин бу камчилик ҳозирда ҳал қилинган. Ҳар бир курсни ўзлаштириш жараёнида шу курсни яратган ёки курс билан шуғилланадиган техник ходимлар билан алоқа қилиш имконияти мавжуд. Бу алоқа электрон почта ёки онлайн чат ёрдамида амалга оширилади.

Иккинчи асосий камчилик бу сифатсиз алоқа. Лекин ҳозирда бу муаммо ҳам ечим топган. Айниқса, бизнинг юртимизда сифатли Интернет хизматлари йўлга қўйилган ва бу хизматлар доим такомиллаштириб борилмоқда.

Таълим жараёнида онлайн курслардан фойдаланиш бизга таълимнинг ҳозирда ривожланиб бораётган масофавий ёки аралаш турини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Бу курсларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати уларда ўқиш учун ёш, жисмоний имкониятлар шарт эмас, балки ҳоҳиш ва билим олишга бўлган қизиқишни ўзи етарли ҳисобланади.

Онлайн курслардан биз ўзимизнинг дарс жараёнида ҳам фойдаланишимиз мумкин. Бунда дарсдаги бирон – бир мавзу бўйича қисқа курсни топиб, уни таълим олувчиларга мустақил ўрганишни вазифа қилиб беришимиз ва уни ўзлаштиришга қараб баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бунда дарс жараёнига бўлган қизиқиш янда ошади.

Бизнинг таълим тизимимизда кредит тизими қўллаб келинмоқда ва бу тизимнинг асосий мақсади таълим олувчиларни мустақил ишлашларини таъминлаш ҳисобланади. Онлайн курслар эса шу мақсадга етиш учун зарурий восита бўлиб хизмат қилади.

Онлайн курсларни ҳозирги ривожланиш босқичида таълим жараёнига виртуал технологиялар, суъний интеллект каби янги технологиялар ҳам қўллаб борилмоқда. Бу технологиялар таълим жараёнини янда индивидуал ва курснинг қулайлигини янада оширади.

Онлайн курсларнинг яна бир қулай томони, уларда баҳолаш тизими мустақил ва ҳар бир курсни тугатганда охирида сертификат берилади. Бу эса ўз навбатида курсни ўзлаштирилганлик даражасини кўрсатиб беради. Бу эса таълим берувчининг таълим олувчиларни баҳолаш имкониятини беради.

Хулоса, ўрнида шуни айтиш мумкин, пандемия бизни онлайн таълим олиш ва беришга ўргатди. Бир неча йиллар давомида ривожланган технологияларни, бизни шароитга мослашига замин яратиб берди. Ҳозирда кўплаб олий ўқув юртларида масофавий таълим киртилди ва бу таълим турига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Айниқса, таълим олувчиларнинг сонини ошиши бу таълим турининг келажакда асосий таълим турларидан бири бўлишини таъминлайди.

Бу таълим турини ташкил қилишда эса онлайн курсларнинг ўрни сезилари даражададир. Масофавий таълимни узлуксиз қисми бу онлайн курслар десак бўлади.

Ўз навбатида онлайн курслар оффлайн курслар билан бир қаторда ривожланиб, такомилланиб бормоқда. Биз онлайн курсларнинг сертификатларини қонуний жиҳатдан тан олинадиган қилишимиз керак.

Бунда нафақат ўзимизда, балки чет элдаги онлайн курсларда ўқиш ва тажриба орттириш имконияти мавжуд бўлади.

REFERENCES

1. Гречушкина Н.В. Онлайн-курс: определение и классификация // Высшее образование в России. 2018. Т. 27. № 6. С. 125–134.
2. Гафиятуллина Э.А. Ретроспективный анализ массовых образовательных онлайн-курсов в образовательном пространстве // Мир науки. Педагогика и психология, 2019 №6, <https://mir-nauki.com/PDF/05PDMN619.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус, англ.
3. Праводелов, С. В. Преимущества дистанционного обучения и его виды / С. В. Праводелов // Современное образование. – 2015. – № 2. – С. 70-79
4. Israel, M.J. (2015). Effectiveness of Integrating MOOCs in Traditional Classrooms for Undergraduate Students. The International Review of Research in Open and Distance Learning. Vol. 16, no. 5, pp. 133-160, doi: 10.19173/irrodl.v16i5.2222